

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТКУЛОВА МОХИГУЛ ДЖАХАНГИРОВА

**СИГМОИДАЛ КОЛПОПОЭЗ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ
АРТИФИЦИАЛ ҚИН ПРОЛАПСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА
ХИРУРГИК ДАВОНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Маматкулова Мохигул Джахангировна

Сигмоидал колпопоз операциясидан кейинги артифициал

қин пролапси профилактикаси ва хирургик давони

оптималлаштириш 3

Маматкулова Мохигул Джахангировна

Оптимизация хирургического лечения пролапса артифициального

влагалища после сигмоидального кольпопоза и

его профилактика 29

Mamatkulova Mokhegul Jaxangirovna

Optimization of surgical treatment of artificial

vagina prolapse after sigmoid colpoiesis

and its prevention 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works

..... 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТКУЛОВА МОХИГУЛ ДЖАХАНГИРОВА

**СИГМОИДАЛ КОЛПОПОЭЗ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ
АРТИФИЦИАЛ ҚИН ПРОЛАПСИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА
ХИРУРГИК ДАВОНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1476 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Негмаджанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Закирова Нодира Исламовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Туксанова Дилбар Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий Тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023йил «_____» _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТИ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: (366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -07-66).

Диссертация автореферати 2023-йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2023-йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Дунё бўйича қин ва бачадон аплазияси болалар туғма касалликлари таркибида ахамиятли улушни ташкил қилади ва реконструктив жарроҳликнинг мураккаб бўлими бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...болаларнинг тахминан 5-7% да турли хил туғма хасталиклар, шу жумладан ривожланишнинг туғма нуқсонлари (РТН) учраши аниқланган бўлиб, бу перинатал ва неонатал ўлим ҳолатларининг тахминан 30% га сабаб бўлади...»¹. Қин ва бачадон аплазияси билан кечадиган касалликлар орасида асосий ўринни Майер-Рокитан-Кюстнер-Хаузер синдроми (МРКХС) эгаллайди. Синдромнинг частотаси 4500-5000 янги туғилган қизлардан 1 тасида учрайди. Бундай беморларни реабилитация қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг таркибий қисмларидан бири ички жинсий аъзоларни жарроҳлик йўли билан тузатиш, яъни қин пластик жарроҳлигидир. Бепуштлик ва нормал жинсий алоқанинг бўлмаслиги – ҳаёт сифатига энг катта таъсир кўрсатадиган омиллардир. Ташхис тасдиқланганда, ўсмирлар ва аёллар чуқур психологик стрессни бошдан кечиришади, ўз-ўзини ҳурмат қилиш пасаяди ва улар танасини қабул қилолмайди, натижада беморларнинг учдан бир қисми депрессиядан азият чекади². Айни пайтда қин пластик жарроҳлигидан кейин келиб чиққан қин пролапси асосан амалиётдан кейинги 2 йил давомида ривожланиши, касалликнинг оғир шаклларининг устунлиги ва уларнинг функцияси бузилиши билан жараёнга туташ органларнинг жалб қилинишини инобатга олган ҳолда даволашнинг энг мақбул жарроҳлик усулини танлаш, уларни қўллашнинг оптимал вақтини белгилаш ҳамда даволаш натижаларини баҳолаш гинекология амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда, ҳозирги кунда аёлларда учрайдиган қин ва бачадон аплазияси билан боғлиқ бўлган ҳолатларни эрта ташхислаш, энг мақбул даволаш усулларини ишлаб чиқиш, келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, қин пластик жарроҳлигидан кейин юзага келган қин пролапси, аёлларнинг сексуал ва социал функцияларини тўлақонли амалга ошира олиш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, энг мақбул жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги ҳамда оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан қин ва бачадон аплазияси аниқланган аёлларни олиб бориш ва уларга

¹ World Health Organization. Congenital anomalies. fact sheet no. 24, World Health Organization website. 2016

² Facchin F. et al. Psychological impact and health-related quality-of-life outcomes of Mayer–Rokitansky–Küster–Hauser syndrome: A systematic review and narrative synthesis // Journal of Health Psychology. – 2021. – Т. 26. – №.1. С. 26-39.

ихтисослаштирилган тиббий хизмат курсатиш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, сигмасимон колпопоездан кейин артифициал қин пролапси ривожланишининг сабаблари ва учраш даражасини аниқлаш, сигмасимон колпопоездан кейин неовагинал пролапс даражаси POP-Q таснифи бўйича баҳолаш, артифициал қин пролапсини олдини олиш учун сигмоидал колпопоезнинг такомиллаштирилган жаррохлик амалиётини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш орқали хасталик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПК-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон статистикасига кўра, репродуктив тизимнинг ривожланиш нуқсонлари шаклланишида ирсий омилларнинг ўрни 10 дан 25% гача. Ота-оналар катамнезида касбий хавфларнинг аҳамияти (кимёвий моддалар билан ишлаш, нурланиш), шунингдек, бачадон ва қин нуқсонларини камайтиришга қаратилган профилактика чораларини ишлаб чиқишга имкон бермайдиган тератоген омиллар ноаниқ бўлиб қолмоқда (Баран Н.М., Богданова Е.А., 2008; Барноқулов О.М., 2003). Бундай ривожланиш нуқсонларининг аксарияти, ўсмирлик даврида намоён бўлади ва ташхисланади. Қин аплазияси аниқланган беморларни даволашнинг муҳим клиник босқичи, бу нуқсонли қизларга тўлиқ жинсий ҳаёт имкониятини беришга қаратилган сунъий қин —

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

колпопозни (юнонча kolpos– vagina, poesis–яратиш) яратиш бўлиб қолмоқда. Даволашнинг 2 тури мавжуд: нооператив – колпоэлонгация (қонсиз колпопоз) ва оператив - қорин парда, тери, сигмасимон ичак, аллопластик ёки синтетик материаллардан қин яратиш. Шунини таъкидлаш керакки, фақат қин узунлиги даволаш ва унинг муваффақиятини аниқлайдиган ягона параметр бўлиши мумкин эмас. Худди шу нуқсон учраган ўсмирлар билан гуруҳда мулоқот қилиш психологик натижани яхшилади (Негмаджанов Б.Б., 1991; Кирпатовский И.Д., Угрюмова Л.Ю., Уварова Е.В., 2007; Кругляк Д.А., Буралкина Н.А., 2018). Шу муносабат билан, бутун ҳаёти давомида репродуктив муаммосини ҳал қилиш билан, бундай беморларни олиб боришда, жамоавий ёндашув ва етарли психоижтимоий ёрдамга эҳтиёж туғилади.

Психологик стресснинг ҳиссий оқибатларини (биологик она бўлиш имкониятининг йўқлиги, ногиронлик ҳисси, тенгдошлар билан бир хил эмаслиги) ва ташхисдан кейин бошқаларнинг ҳамдардлик билдиришини ҳисобга олган ҳолда, даволашнинг барча босқичларида профессионал психологик ёрдам кўрсатиш тиббий ёрдамнинг ажралмас қисми бўлиши керак, бу ҳам муваффақият кафолати бўлиб хизмат қилади (Уварова Е.В., Давтян Г.М., 2014). Шунинг учун, адекват маслаҳат бериш ва давони бошлаш учун, ёши ва психологик тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда, индивидуал равишда танланган ва юмшоқ бўлиши керак бўлган қинни яратиш вақтини аниқлаш муҳимдир. Замонавий муаллифлар (Окулов А.Б., Поддубный И.В., 2007; Уварова Е.В., 2014; Neron M, Ferron G, 2017; Адамян Л. В., 2018, Faehnle-Schiegg I., 2021) ўзларининг модификацияларини, энг янги техник воситаларни фаол жорий этишмоқда, бу эса беморларнинг тиббий муассасадаги ётоқ кунларини сезиларли даражада қисқартиради, касалхона ва даволаниш харажатларини камайтиради. Неовагинани яратишда лапароскопия усулидан фойдаланиш, стационарда бўлиш муддатини сезиларли даражада қисқартириши, беморлар жисмоний фаоллигини эрта тиклаши, мукамал функционал ва косметик натижаларга эришишга имкон беради.

Сигмасимон ичакдан сунъий қинни яратиш танланган операция бўлиб, оралиқни анатомик тузилишининг ҳар қандай варианты учун ишлатилиши мумкин. Бироқ, турли муаллифлар сигмасимон колпопознинг неовагина пролапси каби кам учрайдиган асоратни маълум қиладилар Djordjevic ML et al. (2011), уларнинг қатор тадқиқотларида пролапс 8,1% учрайди. Neron M et al (2017) маълумотларига кўра, неовагина пролапсни учраши, тахминан 2,3% ни ташкил этади. Қайси вагинопластика амалга оширилганидан қатъий назар, таянч тузилмаларни реконструкция қилишни янада такомиллаштириш мумкин эмас. Неовагина яратиш учун, сигмасимон ичакдан фойдаланишда яхши неовагинал чуқурликни таъминлаш мумкин бўлсада, вагинопластикадан кейин ҳам беморларда артифициал қин пролапси, шу жумладан, шиллиқ қават ва гумбаз пролапси юзага келган (Parsons JK, Gearhart SL, 2002; Casey WJ, Tran NV, 2004; Imperato E, Alfei A 2007). Дунё

(Rajimwale A, Furness PD, 2004; Swenson CW, DeLancey JO, 2014; Yadav M., Hayashi T., 2021) ва Россия (Кругляк Д.А., Буралкина Н.А., 2018; Адамьян Л.В, Бобкова М.В., 2018) тадқиқотлар таҳлиliga кўра, юқорида айтиб ўтилган нуқсонга эга бўлган клиник ҳолатлар, артифициал қин пролапсини прогноз қилиш ва шахсийлаштирилган профилактика зарурати туфайли, кейинчалик пролапс даражасига қараб, жарроҳлик коррекцияни танлашга индивидуал ёндашувни таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан қин ва бачадон аплазияси аниқланган аёлларни олиб бориш, ташхислаш ва даволаш (Негмаджанов Б.Б. 2020), тарқалишини ва функционал ташхислаш усулининг замонавий хусусиятлари (Худоярова Д.Р. 2017) борасидаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ даволашнинг энг мақбул усулини танлаш, уларни кўллашнинг энг оптимал вақти ҳамда, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларнинг асосий меъзонлари ишлаб чиқилмаган.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган гинекология амалиётида қин ва бачадон аплазияси кузатилган аёлларни олиб бориш, уларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлар, қин ва бачадон аплазияси кузатилган аёлларни ташхислаш ва даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари, режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли « Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш-профилактика чора-тадбирларининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2012-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади артифициал қин деворлари пролапсини жарроҳлик даволаш усулини такомиллаштириш ва неовагина пролапсини олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

анъанавий сигмасимон колпопоздан кейинги асоратлар учраш даражасини таҳлил қилиш;

сигмасимон колпопоздан кейинги артифициал қин пролапси даражаси ва турларини аниқлаш;

артифициал қин пролапси даражасига қараб, жарроҳлик коррекцияси техникасини ишлаб чиқиш;

артифициал қин пролапси ривожланишининг олдини олиш учун такомиллаштирилган сигмоидал колпопоз усулини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган колпопоз операциясининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда яшовчи Майер-Рокитан-Кюстнер-Хаузер синдроми (МРКХС) билан хасталанган 466

беморлар олинган, улардан 46 нафарига такомиллаштирилган сигмоидал колпопоз ва 420 нафар беморга анъанавий сигмоидал колпопоз операциялари ўтказилган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун, беморнинг веноз қони ва унинг зардоби, шунингдек беморнинг пешоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, гинекологик ва махсус текширув, инструментал, микробиологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сигмасимон колпопоздан кейин артифициал қин пролапси ривожланишининг сабаблари ва учраш даражаси (идеопатик-34%, оғир жисмоний зўриқишлар-29%, сурункали қабзият-26%, сурункали йўтал-11%) аниқланган;

сигмасимон колпопоздан кейин неовагинал пролапс даражаси POP-Q таснифи бўйича II даражаси 62,9% да, III даража 17,1% да ва IV даражаси 20% аёлларда учраши аниқланган;

қин ва бачадон аплазияси мавжуд аёлларда, артифициал қин пролапсини олдини олиш учун проксимал неовагинани промонториумга маҳкамлаш (промонтопексия) ва ўрта қисмини бачадоннинг рудиментар боғламларига бириктириш (лигаментопексия) орқали сигмоидал колпопоз операцияси такомиллаштирилган;

қин ва бачадон аплазияси мавжуд бўлган аёлларда такомиллаштирилган жаррохлик амалиётини қўллаш натижасида, асоратлар анъанавий жаррохликка нисбатан 5,5 баравар камайиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сигмасимон колпопозли беморларда, неовагинал пролапс сабаблари аниқланган;

артифициал қин пролапси даражаси ва турига қараб, жаррохлик коррекция усуллари ишлаб чиқилган ва коррекция қилиш муддатлари аниқланган;

сигмасимон колпопоздан кейинги артифициал қин пролапсини олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган ва тавсия этилган;

такомиллаштирилган сигмоидал колпопоз операциясини таҳлил қилиш ва операциядан кейинги узоқ муддатли натижалар асосида ривожланган сигмоидал колпопоз усулининг афзалликлари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида, сигмасимон колпопозли беморларда неовагинал пролапс кузатилган аёлларни олиб боришга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги, ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани,

хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигмасимон колпопоззли беморларда неовагинал пролапс ривожланишининг сабаблари ва учраш даражасини аниқлаш, неовагинал пролапс даражасини аниқлаштириш учун, ташхисга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, қин ва бачадон аплазияси мавжуд бўлганларда, артифициал қин пролапсини олдини олиш учун, промونتоексия ва ўрта лигаментоексия усулларини қўллаш орқали сигмоидал колпопоз операциясини такомиллаштириш натижасида хасталик кечишининг оғир даражасини ўз вақтида ташхислаш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти неовагинал пролапс ташхисини яхшилаш ва артифициал қин пролапси даражасига қараб, жарроҳлик коррекция усулларини танлаш; сигмасимон колпопоздан кейинги неовагинал пролапснинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, оптималлаштирилган даволаш тактикаси юқори самарадорлиги, бевосита ва узоқ муддатли асоратлар, ҳамда ножўя таъсирларининг камайиши, касалликнинг қайталанишини олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилоят Вилоят перинатал маркази бўйича 05.10.2022 йилдаги №118/1 сонли буйруқ ва Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси бўйича 03.11.2022 йилдаги №121/1 сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Артифициал қин пролапси даражаси ва турига қараб, жарроҳлик коррекция усулларини ишлаб чиқиш ва коррекция қилиш муддатларини белгилаш, жарроҳлик даволаш учун, оптималлаштирилган олиб бориш тактикаси таклиф этилган; беморларнинг ҳаёт сифати, психо-эмоционал ҳолати сезиларли даражада яхшиланганлиги, шунингдек, жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда хасталикнинг асоратлари ва қайталаниши бўлмаганлиги, амалиётда кенг қўллашни тавсия қилиш учун асосдир. Қин пластик жарроҳлигидан кейин келиб чиққан қин пролапси мавжуд аёлларнинг сексуал ва социал функцияларини тўлақонли амалга ошириш имконини беради, асоратлар олдини олади, даволайди ва ҳолатлар сонини минималлаштиради; асоратлар даражасини камайтириш орқали беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги реабилитацияси тезлашади, ижтимоий ва меҳнат фаолияти тикланади; ушбу касалликга чалинган аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди.

Қин ва бачадон аплазияси бўлган аёлнинг амбулатор акушер-гинеколог куриги учун 26 000 сум миқдоридан маблағ сарфланди ва бошка қушимча текширувларни талаб қилинмаслиги ҳисобига давлат бюджети маблағлари иқтисод қилинган. 2) анкета суровномаси нафақат акушер-гинеколог, балки оилавий шифокор ва терапевтлар томонидан ҳам утказилиши мумкин, яъни унга махсус малака оширган шифокорларнинг кераги йўқлиги исботланиб,

ортиқча сарф харажатлар билан янги кадр тайёрлаш шарт эмаслиги ҳисобига давлат бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

Сунъий қин пролапси ривожланишининг олдини олиш учун, сигмасимон колпопознинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган: бу проксимал неовагинани промоториумга маҳкамлаш, ўрта бачадон боғламларининг лигаментопексия амалиётини ўтказилишидир. Ушбу усулларнинг самарадорлиги 1 ойдан кейин неовагина узунлиги, нуқтанинг олд деворидаги жойлашуви ва ораликнинг пай марказининг анъанавий жарроҳлик билан солиштирганда, статистик жиҳатдан сезиларли яхшиланиши аниқланган.

Ушбу профилактика чораларига риоя қилиш, асоратлар хавфини камайтиради, реабилитация даврини қисқартиради ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдди.

Беморнинг шифохонада қолиш муддатини 8 кундан 6 кунгача (2 кунга) қисқартиртириб, шифохонада қолишни, ҳамда, тўлов миқдори ўртача 120 000 сўмга камайган (ВПМнинг прејскурантига кўра, шифохонада 1 кун қолиш ўртача 60 000 сўмни ташкил қилади). Юқоридагиларга кўра, 1 нафар бемор учун, жами ўртача 852 000 сўм иқтисод қилиш имконига эришилади, йиллик иқтисодий самарадорлик эса, умумий 46 та беморнинг 20% қисми, яъни 9 нафар бемор учун ўртача 7 668 000 сўмни ташкил этади.

“Сигмоидал колпопоз операциясидан кейинги артифициал қин пролапси профилактикаси ва хирургик давони оптималлаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд давлат тиббиёт университети проректори томонидан 2021 йил 1 ноябрдаги №3282-сонли хати юборилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 6 майдаги 8н-з/217-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий конференцияларда, жумладан 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Артифициал қин пролапси муаммосининг ҳозирги ҳолати**"да МРКХ синдроми, қин ва бачадон аплазиясини жарроҳлик йўли билан тузатиш турлари, дунёдаги сигмасимон колпопоздан кейин артифициал қин пролапси муаммолари ҳақида маълумотлар келтирилган, бундан ташқари, неовагинал жарроҳлик коррекцияси тўғрисидаги маълумотлар генитал пролапсни даволаш усуллари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларини муҳокамалари келтирилган.

Диссертациянинг "**Текширилган беморларни клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**" номланган иккинчи бобида 3-сонли туғруқхона гинекология бўлимида ва Самарқанд шаҳридаги "Шифо-бахт " хусусий клиникаларида тадқиқот ўтказдик. 1996-2020 йиллар давомида режалаштирилган ишлар доирасида МРКХС аниқланган 466 нафар бемор текширилди ва операция қилинди. Барча беморлар ихтиёрий равишда хабардор қилинган розиликни имзоладилар, унда операциянинг фойдалари ва хатарлари уларга тушунтирилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ, қуйидаги клиник гуруҳлар аниқланди:

* 1-гуруҳ (проспектив) (n=46) – такомиллаштирилган сигмоидал колпопозли беморлар.

* 2-гуруҳ (ретроспектив) (n=420) – анъанавий сигмасимон колпопозли беморлар.

Тадқиқотга киритилган операция қилинган беморлар ёшига қараб тақсимланган ва 1-жадвалда келтирилган. Қиз ва аёлларнинг ўртача ёши - $30 \pm 1,68$ бўлиб, бу ерда асосан, 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган беморлар 57,3% - 267 бемор, 20 ёшгача ва 31 ёшдан кейин бу кўрсаткичлар пасайган.

1-Жадвал

СМРКХ бўлган беморларнинг ёши

Ёши	Беморлар сони		
	Abs	M(%)	m
20 ёшгача	178	38,2	1,89
21-30 ёш	267	57,3	1,91
31-40 ёш	21	4,5	0,68
Умумий	466	100	0,00

Вазифаларимиздан келиб чиқиб, ретроспектив гуруҳдаги асоратларнинг учраш даражаси ўрганилди. Бизнинг тадқиқотимизда жарроҳлик даволашдан сўнг, 420 беморда 11,91% ҳолларда операциядан кейинги эрта ва кеч даврининг турли хил асоратлари аниқланган ва буларнинг барчаси 2-жадвалда акс эттирилган.

2-жадвал

Сигмасимон ичакдан вагинопластика амалиётидан кейинги асоратлар

Турлари	Асоратлар учраш даражаси			P
	abs	M(%)	m	
Неовагина пролапси	35	8,33	0,85	$\chi^2 = 2804,131$; p = 0,0005
Неовагина стенози	10	2,38	0,47	
Ректонеовагинал оқма	2	0,48	0,21	
Неовагина пастки шиллик қаватининг 1/3 қисмини кўчиши	1	0,24	0,15	
Яратилган туннелдан қон кетиши	2	0,48	0,21	
Жами	50	11,91	1,01	

Асоратларнинг умумий қабул қилинган тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, улар эрта ва кечга бўлинган. Бизнинг тадқиқотимизда операциядан кейинги эрта юзага келган асоратлар: яратилган туннелдан қон кетиши - 0,48% бўлиб, бу операция давомида кузатилган; неовагинанинг пастки учдан бир қисмини шиллик қаватини кўчиши - 0,24% 5-кунида; ректовагинал оқма - 0,48% 16-кунида кузатилди. Кечки асоратга, неовагинал пролапси, асосан беморларда дастлабки 2 йил ичида кузатилди ва сигмасимон колпопоз учун операциядан кейинги биринчи йилда неовагинал стеноз кузатилди.

Шундай қилиб, энг кўп учрайдиган асоратлар, бу пролапс (35 та ҳолат) ва неовагинал стеноз (10 та ҳолат). Неовагинанинг пастки учдан бир қисмини шиллик қаватининг кўчиши 1 ҳолатда қайд этилди. Ректовагинал оқмалар ва яратилган туннелдан қон кетиши 4 (0,96%) ҳолатда кузатилди.

Биз қин орқали текширув усули билан қиз ва аёлларнинг умумий ва гинекологик ҳолатини баҳолашни амалга оширдик. Пролапс даражаси 1996 йилда ISC (International Continence Society) томонидан таклиф қилинган POP-Q тизими ёрдамида ҳам ўрганилди [Рыжков С.В., Остопенко А.В. 2011; Vump RC, Mattiasson A., 1996; Moghadam A.R. et al. 2019]. Ва 2002 йилда терминологияни стандартлаштириш кўмитаси соддалаштирилган тизимни ишлаб чиқди. Унда ўлчов параметрлари сони 4 та аниқлаш нуқтасига қисқартирилади, бу ерда тизим ўлчамларини сантиметрда қатъий ўлчаш ўрнига, ҳамма нарса тахминан кўз билан баҳоланади.

Неовагинал пролапси диагностикаси стандартларига кўра, биз тос аъзоларини пролапси POP-Q учун ушбу таснифлаш тизимига мувофиқ, 5 нуқтанинг жойлашишини аниқладик, бу ерда ўлчовлар неовагина апикал қисмдан қизлик пардаси ҳалқаси текислигигача сантиметрда олинган. Бу жараён ушбу тоифадаги беморларни зўриқиш фонидида амалга оширилади. Нуқталарнинг жойлашишига кўра, биз сунъий қин деворларини пролапсини

(+) ва (-) белгилари билан аниқладик, неовагинал деворнинг қизлик пардаси устида жойлашгани минус, пастда эса плюс.

Сўров натижасида олинган маълумотларимиз, пролапснинг II даражаси кузатилган беморлар - 22 (62,86%); III даражали - 6 (17,14%) ва IV даражали - 7 (20%) ҳолатларда аниқланди. Пролапс тури бўйича - сунъий қин шиллик қаватининг пролапси 28 (80%) беморда ва апикал пролапс - 7 (20%) аёлда кузатилди.

Неовагинал пролапси кузатилган беморларда, пролапснинг турига қараб, тушган шиллик қаватни кесиш ва промونتоексия жарроҳлик амалиётни амалга оширдик.

Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, жарроҳлик тузатишдан кейин сунъий қин пролапси ривожланиши билан қин ва бачадон аплазиясини ташхислаш ва даволашнинг мураккаблигини асосий нуқталарини ҳисобга олиш керак.

Беморларнинг тиббий маълумотларини таҳлил қилиб, биз энг кўп учрайдиган асоратни аниқладик, бу - неовагинал пролапс. 2017 йилдан буён, биз 46 нафар беморда ўтказилган сигмасимон коллопоэзнинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланмоқдамиз.

Неовагинал пролапснинг олдини олиш учун такомиллаштирилган йўғон ичак сегментидан сунъий қинни ясашдан кейин бевосита натижаларини таҳлил қилганда, 95,66% операциядан кейинги эрта даврда ижобий таъсирга эришилди. Узоқ муддатли даврда фақат 1 (2,17%) ҳолатда неовагинал стеноз шаклида асорати кузатилди.

Бизнинг тадқиқотимизда аъзолар ва тизимлар ҳолатини, шу жумладан гинекологик ҳолатни баҳолаш, умумий стандарт схема бўйича амалга оширилди: шикоятларни аниқлаш, ҳаёт ва касаллик анамнезини тўплаш, клиник-лаборатория параметрлари ва инструментал усулларини ўтказилди.


Жарроҳлик даволашдан олдин ва кейин ҳаёт сифатини (ижтимоий ва жинсий ҳолатини) ўрганиш учун пролапс ва сийдик тутолмаслик билан оғриган беморларда жинсий функциянинг махсус сўровномасидан фойдаландик PISQ-31 (Pelvic Organ Prolapse and Incontinence Sexual Function Questionnaire). Битта савол бешта жавобдан иборат бўлиб, сўровнома натижалари балл билан баҳоланди, максимал 48 балл бўлиб, бу яхши жинсий функцияни кўрсатади. Тадқиқотимизда жарроҳлик даволашдан олдин ва сўнг, неовагинал пролапси кузатилган беморлар томонидан анкета тўлдирилди, бу ерда 68,6% беморлар саволларга тўлиқ жавоб беришди; беморларнинг 14,3% номаълум сабабларга кўра тўлдиришдан бош тортган, беморларнинг 17,1% жинсий алоқада бўлмагани учун сўровномани тўлдиришга ҳожат бўлмади. Анкета натижалари умумий балларни жамлаш орқали баҳоланди: 0 дан 10 баллгача - ёмон натижа, 11 дан 20 баллгача - ўзгариш йўқ, 21 дан 30 баллгача - ижобий томонга ўзгаришлар, 31 дан 40 баллгача - ижобий натижа ва 41 дан 48 баллгача - яхши жинсий функция.

Диссертациянинг учинчи бобида “**МРКХС билан хасталанган беморларни ўрганиш натижалари**” юқоридаги мақсад ва вазифаларга эришиш учун, МРКХС аниқланган 466 нафар беморни клиник кўриқдан ўтказиб, жарроҳлик амалиёти бажарилди. 35 беморда сигмасимон коллопоэздан сўнг II-III-IV- даражали сунъий қин пролапси ва 46 нафар беморда сигмасимон вагинопластика ўтказилган.

Қин ва бачадон аплазияси бўйича жарроҳлик кўпинча 30 ёшда, кеч даволаниш туфайли амалга оширилиши аниқланди. Бу эса аҳолимизнинг тиббий маданияти пастлигидан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами етарли даражада ишламаётганидан далолат беради, чунки ота-оналар ҳам, қизларнинг ўзлари ҳам, ҳайз кўрмагани ҳақида шифокорга мурожаат этмасалар ҳам, кўп ҳолларда бунинг имкони йўқлиги сабабли фақат турмуш қургандан кейин жинсий алоқани иложи бўлмагандан сўнг, мурожаат қилишади.

466 нафар беморда қин ва бачадон аплазияси аниқланди. Ушбу нуқсон МРКХС деб номланади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, синдром ирсий ва генетик жиҳатдан аниқланади. Касаллик одатда балоғат ёшида, ҳайз кўришнинг йўқлиги ҳақидаги шикоятлар билан боғлиқ ҳолда ташхис қилинади. Баъзида беморлар қориннинг пастки қисмида ёки бел соҳасида циклик, ҳар ой такрорланадиган оғриқдан шикоят қиладилар.

МРКХС аниқланган барча беморларда ҳайз кўрмаслигидан, айрим ҳолатларда қориннинг пастки қисмида ёки бел соҳасида циклик, ҳар ой кузатиладиган тортувчи оғриқ (80%); жинсий алоқа қила олмасликдан (20%) ва бошқа шикоятлар (1-расм).




1-Расм. СМРК билан оғриган беморлар шикояти.

Оилавий ҳолатига кўра, беморларнинг 168 нафари (36%) турмуш қурган. 298 (64%) ҳолатда никоҳ бўлмаган - бу беморларнинг эрта мурожаати билан боғлиқ ва 70 (15%) ҳолатда эр-хотинларнинг ажрашишига ушбу хасталик сабаб бўлган.

СК (ретро- ва проспектив гуруҳлар) билан оғриган беморларнинг касалликлар тарихини ўрганишда, ўтмишда ўтказилган "БЕХУДА" терапевтик чоралар мавжуд бўлиб, бу 10,7% ни ташкил этди (2-расм).

Агар МРКХС билан хасталанган беморларни вариант турига қараб ажраткан, у ҳолда I вариант (оддий ёки изоляция қилинган) 85%, II вариант (атипик ёки мураккаб) 15% ни ташкил этади.




2-Расм.. Ўтказилган терапевтик чоралар, (%).

42 (9,01%) нафар беморда соматик хасталик аниқланди ва текширилган аёлларнинг 4 (0,86%) нафариди ушбу касалликларнинг комбинацияси аниқланди: варикоз томирлар кенгайиши – 8 (10%) нафар беморда, киндик чурраси-7 (4%) беморда, нафас олиш йўллари касалликлари-9 (4%) беморда ва ошқозон-ичак тракти касалликлари – 18 (27,7%) беморда. Баъзи муаллифлар буни бириктирувчи тўқималарнинг тизимли етишмовчилиги билан боғлашади (Клеменов А. В., 2005; Утц И.А., Городкова Е. Н., 2008). Герниопластика ва тонзилэктомия ўтказган беморларнинг мавжудлиги МРКХС билан оғриган қиз ва аёлларда бириктирувчи тўқималарнинг тизимли қобилиятсизлигининг намоён бўлишини кўрсатади.


Сийдик тизими ва ички жинсий аъзолар органларининг эмбрионал келиб чиқиши ва органогенез даврларининг умумийлиги, бизни ички жинсий аъзолар нуқсонлари бўлган беморларнинг сийдик тизимини анатомик ва функционал ҳолатига алоҳида эътибор беришга ундади.

МРКХС аниқланган беморларда, буйрақларни УТТ текширувида 60 (12,9%) нафар аёлларда сийдик ажратиш тизимида қуйидаги нуқсонлар аниқланди: буйрақлар аплазияси – 24 (40%), буйрақлар дистопияси – 30 (50%) ва буйрақларнинг иккиланиши – 6 (10%) беморларда (3-расм).



3-Расм. МРКХС билан текширилган аёлларда урологик хасталикнинг тuzилиши (n=60).

Қин ва бачадон аплазиясидан ташқари, 19 (4,1%) нафар беморда турли хил ёндош гинекологик касалликлар аниқланди 4-расм.



4-Расм. Текширилган беморлардаги гинекологик касалликлар (n=19).

Бачадон ва қин аплазияси билан барча ҳолатларда, бачадон рудиментларининг ривожланиш даражасидан қатъий назар, нормал ўлчамдаги фаллоп найлари ва тухумдонлар мавжуд. Камдан кам ҳолларда, қўшимча рудиментар бачадон билан фаол эндометрий бўлиши мумкин, у яхши эстрогенизация ҳолатида фаоллашади. Адабиётда миома камдан-кам ҳолларда оддий дисфункционал бачадонда ривожланиши қайд этилган (Rawat K. S. et al., 2013; Wehbe GS, Bitar R, 2016; Sun F. Q. et al., 2020).

Беморларимизда гинекологик ҳолатни баҳолаш учун, трансректал усул қўлланилди, натижада биз ҳамма беморларда ҳам, бачадонни аниқлай олмадик, аммо ректоабдоминал текширувида, 34,8% да горизонтал “шнур”

сифатида бачадон палпация қилинди ва 17,4% эластик шаклланиш аниқланди ва у рудиментга ўхшарди.


Неовагина пролапси билан қабул қилинган 35 беморда ёт жисм ҳисси ва ноқулайлик ҳисси қайд этилган. Шиллиқ қават ва апикал пролапсида шикоятлар кўпчилик беморларда бир хил бўлган. Диспареуния 10 (28,57%) да содир бўлган; 6 (17,1%) да кўп миқдорда шиллиқли оқма; 28 (80%) ва 11 (31,43%) ҳоллатларда қориннинг пастки қисмида оғирлик шикоятлари бор эди. Апикал пролапс бўлган беморларда жинсий алоқа пайтида оғрик кўпроқ учрайди, неовагина шиллиқ қават пролапси бўлган беморларда қараганда. Бу ҳолат беморларнинг камроқ даражада жинсий ҳаёт кечиришлиги билан боғлиқ эди. Беморлар сурункали ич қотишидан ҳам шикоят қилишди. Беморларнинг шикоятларининг табиати 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Неовагина пролапсида шикоятларнинг табиати

Беморларнинг шикояти	Беморлар сони			Пирсон- χ^2	
	abs	M (%)	m	c2	P
Дискомфортлик ҳисси	35	100,00	0,00	НВ	
Ёт жисм ҳисси	28	80,00	6,76	12,600	0,000
Қорин пастки қисмида оғирлик ҳисси	11	31,43	7,85	4,829	0,028
Диспареуния	10	28,57	7,64	6,429	0,011
Кўп миқдордаги шиллиқли оқмалар	6	17,14	6,37	15,114	0,0001

Текширилаётган беморларда сунъий қин пролапсининг этиологик жиҳатдан аҳамиятли сабаблари: 12 тасида (34%) идиопатик, 10 тасида (29%) ҳозирги ёки ўтмишдаги оғир жисмоний фаоллик, 9 тасида (26%) сурункали ич қотиши ва сурункали йўтал 5 тасида (11%) (5-расм).



5-Расм. Неовагина пролапси юзага келиш сабаблари (n=35), %.

СК дан кейин касалликнинг намоён бўлиши бир неча ойдан 10 йилгача кузатилган, пролапснинг босқичи клиник белгиларга мутаносиб ва касалликнинг давомийлигига тескари пропорционалдир (4-жадвал).

4-жадвал

Неовагина пролапси аниқланган беморларда хасталикнинг давомийлиги (n=35).

Хасталик давомийлиги	Беморлар сони			P
	Abs	M (%)	m	
2 йилгача	18	51,43	8,45	$\chi^2 = 6,229;$ $p = 0,044$
2-5 йил	11	31,43	7,85	
> 5 йилдан	6	17,14	6,37	
Жами	35	100,00	0,00	

Жарроҳликдан олдин POP-Q тизими неовагинал пролапс даражасини аниқлашнинг асосий усулларида бири еди (5-жадвал).

5-жадвал

Операциядан олдин POP-Q тизимининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич POP-Q, см	Me [Q25%–Q75%]	Q25%	Q75%
Aa	1,6±0,12	1,2	2,0
Ba	2,0	1,5	2,5
Ap	-0,8	-1,1	-0,4
Bp	-0,4	-0,6	-0,2
C	-1,2	-1,7	-0,6
Tvl	7,8	6,5	9,0
Gh	3,8	3,1	4,5
Pb	2,4	2,1	2,8


Жадвалдан кўришиб турибдики, қабул пайтида неовагинал пролапс даражаси II даражадан IV даражагача ўзгарган (6-жадвал).

6-жадвал

POP-Q тизимида мувофиқ артифициал қин пролапс даражаси (n=35).

Артифициал қин пролапси	Abs	M (%)	m	P
II даража	22	62,86	8,17	$\chi^2 = 13,771;$ $p = 0,001$
III даража	6	17,14	6,37	
IV даража	7	20,00	6,76	
Жами	35	100,00	0,00	

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, пролапсни 2 тури аниқланди: 28 (80%) беморда неовагина шиллик қавати пролапси ва 7 (20%) беморда апикал неовагинал пролапс (6-расм).



6-Расм. Неовагина пролапси турлари ($n=35$), %.


Неовагина пролапсини даволаш ва ташхис қўйиш вақтидан жарроҳлик амалиётигача бўлган касалликнинг давомийлиги кўрсатилган, шунинг учун 21 (60%) нафар беморда 5 йилдан кўп бўлмаган ва 14 (40%) беморда жарроҳлик даволаш учун мурожаат 10 йилгача бўлган муддатни ташкил этган. Булар асосан, репродуктив ёшдаги аёллар, шунингдек, диспареуния ва неовагинадан кўп миқдордаги шиллик оқмадан шикоят қилган аёллар эди (7-расм).



7-Расм. Сигмасимон колпопоздан кейинги неовагинал шиллик қаватни пролапси.

Беморларга тиббий ёрдам олишнинг кечикиши неовагинал пролапсини самарали жарроҳлик даволаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги билан боғлиқ. Шунингдек, ушбу муаммо бўйича беморларнинг яшаш жойларида мутахассисларнинг етишмаслигидир.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, 35 нафар беморнинг 80% да сунъий қин шиллик қаватини пролапси аниқланган. Бу тоифадаги беморларда ортиқча тўқималар олиб ташланган. Ушбу гуруҳдаги лапаротомия промонтопексияси ўтказилган беморларнинг 20% да неовагинал апикал пролапси аниқланган (8-расм). Ва бу тоифадаги беморларда биз операциядан кейинги асоратларни кузатмадик.



8-Расм. Сунъий қин пролапсини жарроҳлик даволаш турлари ($n=35$), %.

